

Х.Ю. ТҶЙЧИЕВ, Б.Х.АМАНОВ, Н.Н.НАБИЕВА

**АЙРИМ ҒЎЗА НАВ ВА
ТИЗМАЛАРИНИНГ ПОПУЛЯЦИЯЛАРИ
ИЧИДАГИ БИОТИПЛАРИНИНГ
МОРФОБИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ
МУВОЗАНАТЛИГИ**

ISBN: 978-9910-747-09-0



9 789910 747090

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Х.Ю. ТҶИЧИЕВ, Б.Х. АМАНОВ, Н.Н. НАБИЕВА

**АЙРИМ ҒЎЗА НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ ПОПУЛЯЦИЯЛАРИ
ИЧИДАГИ БИОТИПЛАРИНИНГ МОРФОБИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ МУВОЗАНАТЛИГИ**

ТОШКЕНТ – 2023
«LESSON PRESS» НАШРИЁТИ

УЎК: 633.51(575.1)

КБК: 42.16

Х.Ю.Туйчиев, Б.Х. Аманов, Н.Н.Набиева Айрим ғўза нав ва тизмаларининг популяциялари ичидаги биотипларининг морфобиологик ва хўжалик белгиларининг мувозанатлиги. // Монография.-Тошкент: "Lesson press" нашриёти, 2023.- 174 б.

Ушбу монография ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги соҳа мутахассисларига, илмий ходимларига, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларига ҳамда талабаларига ўқув қўлланма учун мўлжалланган.

Ушбу монографиядан генетиклар, селекционерлар, ўсимликшунос олимлар, бакалавр ва магистр талабалар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: қ/х.ф., профессор Ф.Б.Намозов

Тақризчилар: б.ф.ф.д., катта илмий ходим Ж.Ш.Шавқиев
б.ф.д., доцент Х.А.Мўминов

Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 сентябрдаги 13-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN: 978-9910-747-09-0

© «Lesson press» МЧЖ нашриёти

КИРИШ

Маълумки, ғўза навлари морфологик ва биологик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда яратилаётган ҳар бир нав, ўзининг ноёб белги ва хусусиятларига эга эканлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда И.А.Каримов 1998 йил [2006] қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида шундай деган эди. «Бизнинг асосий мақсадимиз қуйидагилардан иборат: биринчидан – пахта ҳосилдорлигини ошириш; иккинчидан – пахта толасининг сифатини яхшилаш; учинчидан – юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш; тўртинчидан – экинларни суғоришда сувни тежаш; бешинчидан – атроф муҳитни соғломлаштириш, биологик вазиятни яхшилаш». Шунга кўра қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, энг тез ҳамда катта самара олишни таъминлайдиган вазифаларни ҳал этишга бутун эътибор ва билимларни жам қилишни талаб қилади. Жумладан, пахтачиликни янада мукамал ўрганиш, хусусан нав наводорлигини ошириш энг долзарб муаммолардандир. Шунинг учун бугунги кунга келиб, генетик, селекционер олимлар томонидан тезпишар, ҳосилдор, тола сифат кўрсаткичлари юқори, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади, бироқ баъзи навлар генотипик ва фенотипик жиҳатдан жуда хилма-хил бўлиб, шу асосда яратилган навлар ишлаб чиқаришда ўз самарасини бермайди. Чунки, ушбу навлар белгилар жиҳатига кўра маълум бир мувозанатликка эга эмас. Бу эса ўз навбатида ғўза навларининг вақт ўтиши билан

ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини кескин тушиб кетишига сабаб бўлади.

Дўза нав ва тизмаларининг популяцияси ичидаги турли биотипларини морфобиологик ҳамда хўжалик белгиларини генетик мувозанатлигини ўрганиш ғўза селекцияси ва уруғчилиги фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бу борадаги кўплаб Ю.П.Алтухов, Б.А.Абдуллаев, С.С.Садыков [1978], Ф.Айала [1984], Ю.П.Алтухов [1974], С.Одилов [2006], С.Султонов [1997], М.Кимура [1999], И.Т.Каххаров [2005], З.З.Рахмонов [2008] олимларнинг изланишларини келтириш мумкин. Лекин, популяция биотиплари ичида турли белгиларни ажратиб, уларнинг ирсийланиши ва бир-бири билан ўзаро корреляцияси ҳозирга қадар ўрганилмаган.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришга жорий этилган ғўза навлари сони жуда кўп бўлса-да, бу нав популяцияларининг дастлабки авлодларида кузатилган турли морфобиологик ва хўжалик белгилари кейинги авлодларда тўлалигича сақланиб қолмайди. Бу эса, ғўза ҳосилдорлиги ва тола сифатининг пасайишига олиб келади. Яратилган навларнинг популяцияларини бир неча авлодларда морфобиологик ва хўжалик аҳамиятига эга белгиларининг муҳимлигини таъминлаш нав популяциялари биотипларида бу белгиларнинг генетик мувозанатлигини тўла таҳлил қилинишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, ғўзанинг районлаштирилган, истиқболли навлари ҳамда тизмаларининг морфобиологик ва хўжалик белгиларини популяция ичида

биотиплар бўйича алоҳида гуруҳларга ажратиб ўрганиш жуда муҳимдир¹.

Адабиётлар таҳлили Н.Хожамбергенов, М.Сукуров [2006], Ю.П.Алтухов, Б.А.Абдуллаев, С.С.Садыков [1978], Ф.Айала [1984], Ю.П.Алтухов [1974], М.Лynch, В. Walsh [1998], J.M.Cornuet, S.Piry, G.Luikart [1999], W.Craig Bednarz, C.David Bridges [2000], L.J.Clark, E.W.Carpenter, E.R.Norton [2002], Nicole W.Xu., Xu.Shizhong [2009] шуни кўрсатдики, нав ва тизмаларни популяцион таҳлил асосида баҳолаш ва нав наводорлигини ошириш бўйича изланишлар етарли даражада олиб борилмаган. Бу эса, ғўза генетикаси ва селекциясида нав ва тизмалар популяцияларининг морфобиологик ва хўжалик белгилари бўйича биотипларга ажратган ҳолда тадқиқот ишларининг олиб борилишини тақозо этади. Ушбу усуллар амалга оширилганда нав ва тизмаларнинг имконият даражалари тўлиқ таҳлил асосида ўрганилиб, уларнинг тавсифи ишлаб чиқилади.

Намуна сифатида олинган ғўза нав ва тизмалари популяциясидаги биотипларининг турли морфобиологик ва хўжалик белгилари ўртасидаги ўзаро боғланиш ва ирсийлик коэффициенти, олинган натижалар асосида белгиларнинг мувозанатлик даражаларини аниқлашдан иборат.

Олинган нав ва тизмалар чигитларининг вазни ва унинг унувчанлигига таъсирини аниқлаш;

- нав ва тизмаларнинг тўлиқ морфобиологик ва хўжалик белгиларини ўрганиш;

¹ Монография мавзуи академик А.А. Абдуллаевнинг зоялари асосида танланган. Тадқиқотлар академик А.А. Абдуллаев ҳамда мархума устозим б.ф.д., прф. С.М. Ризаева ҳамда мархум устозимиз З.Б. Қўрязовларнинг маслаҳатлари ва илмий-услубий ёрдамлари билан бажарилган.

олинган намуналарни популяцияларидаги биотипларини аниқлаш ва гуруҳларга бўлиш (биринчи ҳосил шох жойлашган бўғин, шохланиш типи, тола узунлиги ва чиқими асосида);

- ҳар бир нав ва тизмада ажратилган биотиплардаги морфобиологик ва хўжалик белгиларини ўрганиш;

- биотиплар ичида морфобиологик ва хўжалик белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш;

- биотиплар ичида кузатилган морфобиологик ва хўжалик белгиларини ирсийлик коэффицентини ўрганиш;

- олинган натижалар асосида биотиплар ичида белгиларнинг фенотипик мувозанатлик даражасига баҳо беришдан иборат.

1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Ғўзада чигитнинг унувчанлиги

Чигитнинг унишини олимлар ҳар хил таҳлил этадилар. Чигитнинг уна бошлаши мураккаб физиологик-биохимик жараёндан иборат. Бу жараёнларни ҳаракатга келтиришда иссиқлик, ҳаво, озуқа ва намлик муҳим аҳамиятга эгадир.

Чигитнинг етилишига доир энг дастлабки, текширишлардан бири сифатида Ф.М.Мауернинг ишларини [1927] кўрсатиш мумкин. Унда чигитнинг пахта теримидан сўнгги етилиш муддати 4-5 ой давом этиши кўрсатилган.

А.Ј.Турнер [1929] маълумотларида, баъзи бир чигитларнинг бўртиши маълум даражада уларнинг катта-кичиклиги ва солиштирма оғирлигига боғлиқдир. Чигитлар қанчалик йирик ва уларнинг солиштирма оғирлиги қанчалик катта бўлса, шунчалик интенсив бўртади ва кўп сувни шимади.

Г.Н.Ардт [1945] чигитларнинг узоқ муддат давомида яшовчанлигини пахтанинг нави ва хилига, ҳосил териб олиш ва сақлаш муддатларига боғлиқдир, деб кўрсатади. Чигитни сақлаш жараёнида, шу чигитлардан ҳосил бўлган ўсимликларнинг генетик типиклигини сақланувчанлигини аниқлаш учун уни вақти-вақти билан далага экиб турди. Ҳақиқатан ҳам чигитни сақлаш муддати ўсимлик авлодига таъсир этмаслиги аниқланди. 11 йил давомида ҳар йили экилган чигитлардан нормал ўсимликлар олиниши, бу ўсимликлар ўз морфологик белгилари, олинган пахта ҳосили ва толасининг сифати жиҳатидан ҳам бир хил бўлиши аниқланган.

Б.П.Страумал [1950], Т.Ивановская [1997] лар чигитни тез ундириб олиш учун янги териб олинган пахтанинг чигитини эмас,